## Академик таътил бериш маъумотларини шакллантириш.

Академик таътил бериш тизимнинг **Talaba harakati/Akademik ta’til** менюси орқали амалга оширилади (1-расм). Талабага академик таътил бериш учун биринчи навбатда академик таътил бериш тўғрсидаги буруғни шакллантириб олиш зарур. Талабага қуйидаги ҳолларда академик таътил бериш мумкин:

– Ҳарбий хизматни ўташ учун
– Саломатлигини тиклаш учун
– Ҳомиладорлик ва туғиш учун
– Болаларни парвариш қилиш учун

Талабага академик таътил бериш учун 1-расмдан куйидагича параметрларни танланг:

– **O‘quv rejani tanlang** майдонидан ўқув режани танланг;
– **O‘quv yilini tanlang** майдонидан ўқув йилини танланг;
– **Semestrni tanlang** майдонидан семестрни танланг;
– **Ta’lim shaklini tanlang** майдонидан таълим шаклини танланг;
– **Jarayon sababi** майдонидан академик таътил турини танланг;
– **Buyruq** майдонидан буйруқни танланг;
– Талабалар рўйхатидан талабани танланг;

Барча маълумотлар тўғри шакллантирилган бўлса **OK** тугмасини танланг. Натижада талабага академик таътил берилганлик тўғрисидаги маълумот пайдо бўлади.




1-расм. Академик таътил бериш ойнаси

Академик таътил беришнинг бошқа турлари ҳам худди шу кетма-кетликда амалга оширилади